

## 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

### ЎҚУВ-БИЛИШ КОМПЕТЕНТЛИГИ КАСБ ТАЪЛИМИНИНГ ТАЯНЧ КОМПЕТЕНЦИЯСИ СИФАТИДА

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.39.16.083>

**Рахимов Зокир Тоштемурович,**

Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти профессори,  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация.** Мақолада касб таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиши, илм-фан, техника ва технологияларнинг тезкор ривожланиши, олий таълимда касб таълими йўналишлари талабаларида касбий муҳим сифатларини шакллантириши, тезкорлик, шиддатли ўзгаришларга қисқа муддатларда самарали мослашиши, фанларга сингдирилган фаол билимлар, янгиликлар билан изчил таништириб бориши, ўқув-билиш компетентлигини ривожланиши, малакали мутахассис сифатида шаклланиши, касбий ўсишига эришиши, талабаларда ҳаётий ва касбий фаолиятни таъкил этиши учун зарур маълумотларни изчил, узлуксиз, мақсадли, тизимли ўзлаштириши, уларнинг мақсадли шаклланишларига эришиши зарурияти масалалари талқин қилинган.

**Калит сўзлар.** Касб, билим, кўникма, малака, таълим, тарбия, мақсад, талаба, жараён, компетентлик, фаолият, қобилият, зарурият, натижа.

**Аннотация.** Статья посвящена коренному реформированию системы профессионального образования, стремительному развитию науки, техники и технологий, формированию у студентов направлений профессионального образования в высшем образовании профессионально важных качеств, стремительности, эффективной адаптации в кратчайшие сроки к быстрым изменениям, последовательному ознакомлению с активными знаниями, новшествами, заложенными в дисциплинах, развитию учебно-познавательной компетентности, формированию как квалифицированного специалиста, достижению профессионального роста, последовательному, непрерывному, целенаправленному, систематическому усвоению у студентов информации, необходимой для, трактуются вопросы необходимости достижения их целевого формирования.

**Ключевые слова.** Профессия, знание, умение, квалификация, образование, воспитание, цель, ученик, процесс, компетентность, деятельность, способность, необходимость, результат.

**Annotation.** The article describes the fundamental reform of the vocational education system, the rapid development of science, technology and technology, the formation of professional qualities in the students of the directions of vocational education in higher education, quickness, effective adaptation to severe changes in the short term, active knowledge integrated into the disciplines, consistent acquaintance with the news, development of educational-cognitive



*competence, formation as a qualified, there is an interpretation of the issues of the need to achieve their targeted formation.*

**Keywords.** *Profession, knowledge, skills, qualification, education, upbringing, goal, student, process, competency, activity, ability, necessity, result.*

**Кириш.** Ҳозирги кунда касб таълими тизимида компетентлик сифатларига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш, шахс ва жамиятнинг таълимий эҳтиёжларини максимал даражада қондириш, касбий тайёрлашни оптималлаштиришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Бугунги глобаллашув жараёнида таълимга инновацион ёндашув, илғор хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда уларни таълим жараёнига жорий қилиш, фан-техника тараққиёти ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг замонавий технологияларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Республикамизда узлуксиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, илм-фан, техника ва технологияларнинг тезкор ривожланиши таълим мазмунига ҳам изчил равишда ўзгартиришлар киритишни тақозо этмоқда. “Касб таълими” йўналишлари талабаларига касбий муҳим сифатларини шакллантириш, тезкорлик, шиддатли ўзгаришларга қисқа муддатларда самарали мослашиш, фанларга сингдирилган фаол билимлар, янгиликлар билан изчил таништириб боришни тақозо этмоқда. Натижада, замонавий шароитда ёшлар ўртасида асосий таълимий мақсадлар – ўқув-билиш компетентлигини ривожланиши, малакали мутахассис сифатида шаклланиш, касбий ўсишга эришиш, талабаларда ҳаётий ва касбий фаолиятни ташкил этиш учун зарур маълумотларни изчил, узлуксиз, мақсадли, тизимли ўзлаштириш, уларнинг мақсадли шаклланишларига эришиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Узлуксиз касбий тайёрлашнинг энг асосий ўзига хослиги изчилик тамойилига амал қилиш, таълим мақсадларига эришишда анъаналарга таяниш ҳисобланади. Олий таълим муассасаларида тайёрланаётган касб таълими йўналишлари талабалари ўқув-билиш фаолиятини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, уларнинг ўз фанига ва баркамол авлод таълим-тарбиясига оид касбий компетентлигини шакллантириш ва уларни бўлажак касбий фаолиятида изчил қўллаш олиш маҳоратига эга бўлишини талаб этади. Замонавий жамиятда у ёки бошқа мамлакатларнинг ривожланиш даражасини нафақат унинг техник ҳолати, балки олий таълим муассасаларида тайёрланаётган мутахассислар касбий компетентлигини ҳам белгилайди.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги «Профessional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5812-сонли Фармонида Республикамизда меҳнат бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда малакали кадрлар етиштириш, халқаро таълим стандартларига асосланган, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга жорий қилишнинг самарали механизмларини яратиш орқали таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича қатор вазифалар белгиланган. Шу билан бирга, профессионал таълим дастурларини таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлашган ҳолда,

ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизими жорий этиш бўйича истиқбол вазифалар аниқ белгиланган. Шунга кўра, таълим тизимини модернизациялаш, касб таълими тизимида юзага келадиган ўзгаришлар таълим муассасаси ходимларининг касбий компетентлигини ривожлантириш учун зарурият туғдиради. Ҳозирги вақтда олий касбий таълимнинг давлат таълим стандартлари жорий этилиб, бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган таълим инновациялари кенг жорий этилмоқда.

Республикаимиз ижтимоий ҳаётига шиддатли тезликда ахборотлар оқими кириб келиши кенг кўламни қамраб олмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда талабага етказиб беришни йўлга қўйиш шунингдек, касб таълимининг таянч компетенцияларини ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнида талабалар касбий тайёргарлигини ривожлантириш касб таълими тизими олдида турган долзарб муаммолардан саналади.

Мавзу бўйича илмий манбаларнинг қисқача таҳлили. Касбий таълим тизимини модернизация қилишнинг асосий йўналишлари касб-хунар таълими бошқарувини такомиллаштириш, касб-хунар таълимининг мавжудлиги ва сифатини яхшилаш, таълим фаолиятини диверсификация қилиш, Ўзбекистон таълим тизимини жаҳон таълим соҳасига интеграциялаш; таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси; кадрларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муаммоларни ҳал этиш билан амалга оширилади.

Ривожланган давлатларнинг иқтисодий интеграциясини амалга ошириш таълимни байналминаллаштириш жараёнини рағбатлантиради. Бунда бир қатор халқаро ташкилотлар фаол иштирок этмоқда. Уларнинг орасида биринчи ўрин ЮНЕСКО ўз фаолиятида таълим муаммолари устувор ҳисобланади. ЮНЕСКО таълимнинг глобал ва минтақавий муаммолари бўйича тадқиқотларни ташкил этади ва молиялаштиради, педагогик адабиётлар, ахборот материаллари ва маълумотномалар чоп этади, таълим йўналишлари ва мутахассислар тайёрлаш идоралари раҳбарларининг ишчи йиғилишлари, конференциялар, конгрессларни ўтказиши.

Таҳлиллар давомида касбий таълимнинг пайдо бўлиши ўзига хос қизиқиш уйғотади. Касб-хунар таълимининг шаклланиш ва ривожланиш давлари:

- XVII аср. - 1917 йилдаги ислоҳотлардан бошлаб давлат тизимининг асослари ва касбий таълимнинг илмий дидактикаси;

- 1917-1940 йй. Политехника ва монотехник таълимнинг тенденциялари. 1940 йилда давлат меҳнат заҳиралари тизимини яратиш;

- 1941-1945 йй. Иккинчи жаҳон уруши йиллари, техникумлар тармоғини қисқартириш, ўрта техник таълим олган мутахассислар сонининг кескин камайиши ўша пайтда муҳандис кадрларнинг ўткир танқислигига олиб келди;

1945-1970 йй. Урушдан кейинги даврда касбий таълимни ривожлантириш, олий таълим муассасалари, техникумлар, хунар-техника

билим юртлари коллежларини ривожлантириш;

-1970 - 1990 йй. Таълимни 1984 ва 1988 йилларда ислоҳ қилиш.

-90-йй. - XXI асрнинг бошланиши, ўрта ва олий таълимни модернизация қилиш.

Шу билан бирга П.Ф.Кубрушко касб-хунар таълими педагоглари икки (бошланғич ва ўрта) учун эмас, балки касбий -педагогик фаолиятнинг тўртта соҳаси, шу жумладан касбий таълимнинг уч босқичи учун касбий-педагогик таълим тизимига эътибор қаратди: бошланғич, ўрта, олий ва илмий таълим: мутақил изланувчи ва докторантура. Касбий-педагогик таълимнинг кенгайтирилган тўлиқ таркибий қисми тизимнинг функционаллиги тамойилига мос келади, бу унинг тузилиши ва фаолиятининг умумий шакллари аниқлаш учун зарур шартдир .

Замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларда касбий ўзини ўзи бошқариш жараёнида шахснинг касбий ривожланишининг энг тўлиқ психологик шакллари, компетентликнинг ривожланиш хусусиятлари Э.Ф.Зеер томонидан ўрганилган. Э.Ф.Зеер компетентликни касбий фаолият тузилмасининг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида баҳолайди, шунингдек, шахснинг йўналтирилганлиги, касбий жиҳатдан муҳим фазилатлари ва психофизиологик хусусиятлари мавжуд деб ҳисоблайди.

Инглизча “competence” тушунчаси луғавий жиҳатдан бевосита “қобилият” маъносини ифодалайди. Мазмунан эса “фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш” маъносини англатади .

“Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологик изланишлар натижасида кириб келган. Шу сабабли компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, қутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб боровчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалик” ни англатади .

Н.А.Муслимов ва К.Абдуллаевларнинг фикрича, компетентлик – олинган назарий билим, кўникма ва малакалар мажмуасини амалиётга мустақил ва ижодий қўллаш олиш даражаси, бу ҳам талабанинг амалиёт жараёнида ва олий таълимдан кейинги фаолиятида шаклланиб боради .

Компетенция тушунчаси маълум бир соҳада муваффақиятли фаолият учун билим, малакани, шахсий фазилатларни ва амалий тажрибани қўллаш қобилияти сифатида тавсифланади.

А.В.Хуторский “компетенция” ва “компетентлик” тушунчаларини “синоним ишлатилган” тушунчалари орасидаги фаркни кўрсатади. Компетенция - шахснинг ўзаро боғлиқ хусусиятларини (билим, кўникма, фаолият методикаси), маълум мавзулар ва жараёнлар учун белгиланадиган ва уларга нисбатан сифат жиҳатидан самарали ишлаб чиқариш учун зарур бўлган комплекс эканлигини таъкидлайди.

Г.М.Коджаспирова “ўқитувчи малакали ўқитувчи бўлиш учун муайян педагогик компетентликга эга бўлиши керак”, “компетенция - бу таълим орқали олинган билимларга, тажрибага, қадриятларга, ниятларга

асосланган умумий қобилиятдир” деб ҳисоблайди.

Асосий қисм. Компетенция ва кўникма ўртасида фарқ бўлиб, кўникма - бу муайян вазиятда ҳаракат, компетенция - ҳатти-ҳаракатлар, кўникмаларнинг кузатувларидан ўрганилиши мумкин бўлган характеристик хусусиятдир. Компетентликнинг асосий таркибий қисмлари:

биринчидан, билим, нафақат маълумот, балки тез ўзгариб турадиган, динамик, ўзгарувчан, ўзингизнинг тажрибангиз асосида топишингиз керак бўлган ахборот.

иккинчидан, маълум бир вазиятда ушбу билимлардан фойдаланиш кўникмаси; ушбу билимларни қандай қилиб олишни тушуниш;

учинчидан, адекват (тегишли) баҳолаш - ўзлари, дунёси, уларнинг дунёдаги ўрни, уларнинг ўзига хос билимлари, ўз фаолиятлари учун зарурияти ёки фойдасизлиги, шунингдек, уларни олиш ёки улардан фойдаланиш усули. Ушбу формулани мантиқий равишда қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин:

компетентликлик = билимларнинг мобиллиги (ҳаракатланиши) + усулнинг мослашувчанлиги + танқидий фикрлаш

Ўқув жараёнига компетентли йўналтирилган ёндашишни жорий этиш дастурига мувофиқ, қуйидаги асосий компетентликлар ажратилади:

- мақсадга эришиш ва ўз ютуғини ташкил этиш, ўз мақсадини тушунтириб бериш;

- ўқув-билиш фаолиятини режалаштириш, таҳлил қилиш, акс эттириш, ўз-ўзини баҳолашни ташкил этиш;

- текшириладиган далилларга оид саволлар бериш, ҳодисаларнинг сабабларини қидириш, ўрганилаётган муаммони ҳал қилишда тушуниш ёки тушунмовчиликларни кўрсатиш;

- когнитив вазифаларни белгилаш ва фаразларни киритиш; кузатиш ёки тажриба шартларини танлаш; керакли асбоб-усқуналар ва жиҳозларни танлаш, ўлчаш кўникмаларига эга бўлиш, кўрсатмалар билан ишлаш;

- таҳлилий ва статистик усуллари бўйича билимларини қўллаш;

- натижаларни тасвирлаб бериш, хулосаларни шакллантириш;

- компьютер воситаларидан ва технологияларидан фойдаланган ҳолда тадқиқот натижалари ҳақида оғзаки ва ёзма гапириш (матн ва график таҳрирловчилар, такдимотлар);

- дунё тасвирини сезиш тажрибасига эга бўлиш.

Шундай қилиб, кўникмалар амалда компетенция сифатида намоён бўлади. Компетенция - бу нарса маҳорат, ҳаракатни кучайтиради. Компетенция онгли фаолият натижасида шаклланади.

Компетенциянинг асосий турлари ва мазмуни:

Ўқув-билиш компетенцияси.

Бу талабанинг мустақил билиш фаолияти соҳасидаги, шу жумладан, ҳақиқий таниқли нарсалар билан ўзаро боғлиқ бўлган мантиқий, методик, умумўқув фаолияти элементларининг бир қатор компетенциялари мажмуи. Бунга ўқув-билиш фаолиятида мақсадларни аниқлаш, режалаштириш, таҳлил қилиш, акс эттириш, ўзини ўзи баҳолашни ўз ичига олади. Ушбу компетенциялар доирасида тегишли функционал саводхонлик талаблари



аниқланади: далилларни гумонлардан фарқлаш, ўлчаш кўникмаларига эга бўлиш, эҳтимоллик, статистик ва бошқа идрок усулларидан фойдаланиш.

Қийматли – мазмун компетенцияси

Бу компетенция талабанинг қийматли ғоялари билан боғлиқ бўлган дунёқараш бўйича компетенцияси, унинг атрофимиздаги дунёни кўриш ва тушуниш қобилияти, унга йўналтирилган, ўзларининг роли ва мақсадларидан хабардор бўлиш, ўзларининг ҳаракатлари ва ҳатти-ҳаракатларига мақсадли ва мазмунли установакаларни танлаш, қарорлар қабул қилишидир.

Умуммаданий компетенция - талаба яхши хабардор бўлиши керак бўлган масалалар доираси, фаолиятида билиш ва тажрибага эга бўлиши. Булар миллий ва умуминсоний маданиятнинг хусусиятлари, инсон ҳаёти ва инсониятнинг маънавий-ахлоқий асослари, инсон ҳаётидаги фан ва диннинг ўрни, уларнинг дунёга таъсири, кундалик ва маданий-ҳордик чиқариш соҳасидаги компетенциялари, масалан, бўш вақтни ташкил қилишнинг самарали усулларини эгаллаш.

Ахборот компетенцияси.

Ҳақиқий объектлар (телевизор, магнитофон, телефон, факс, компьютер, принтер, модем, ксерокопия) ва ахборот технологиялари (аудио ва видео ёзувлар, электрон почта, оммавий ахборот воситалари, интернет) ёрдамида керакли маълумотни мустақил равишда излаш, таҳлил қилиш ва танлаш, уларни ташкил қилиш, айлантириш, сақлаш ва етказиш кўникмалари шаклланади.

Коммуникатив компетенцияси талаб қилинадиган тилларни билиш, бошқалар билан мулоқотда бўлиш усуллари, узоқдаги одамлар ва воқеалар, жамоавий иш қобилиятлари, жамоада турли ижтимоий ролларга эгалик қилишни ўз ичига олади. Талабалар ўзларини кўрсатишлари, хат ёзишлари, анкета, ариза, савол беришлари, муҳокамалар ўтказишлари ва ҳоказо.

Ижтимоий-меҳнат компетенцияси ижтимоий ва меҳнат соҳасида (истеъмолчининг, харидорнинг, миждознинг, ишлаб чиқарувчининг ҳуқуқлари) фуқаролик-жамоат фаолиятида (фуқаро, кузатувчи, сайловчи, вакил ролларини бажариши), оилавий муносабатлар ва масъулиятлар соҳасида, иқтисодиёт ва ҳуқуқ масалаларида, касбий ўз тақдирини белгилашда билим ва тажрибага эга бўлишни англатади. Ушбу компетенция, масалан, меҳнат бозорида вазиятни таҳлил қилиш, шахсий ва жамоат манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилиш, меҳнат ва фуқаролик ўзаро муносабатларда ахлоққа эга бўлишни ўз ичига олади. Талабалар замонавий жамиятда ҳаёт учун минимал даражада зарур бўлган ижтимоий фаоллик ва функционал саводлилик кўникмаларига эгадирлар.

Шахсий ўзини-ўзи такомиллаштириш компетенцияси жисмоний, руҳий ва интеллектуал ўзини ривожлантириш, ҳиссий ҳис-туйғуларни бошқариш ва ўзини ўзи қўллаб-қувватлаш йўлларини ўрганишга қаратилган. Ҳақиқий объект бўлиб бу ерда талабанинг ҳисобланади. У ўз фаолиятини доимий равишда ўз билимлари, замонавий инсон учун керак бўлган шахсий фазилатларни ривожлантириш, психологик саводхонлик, фикрлаш маданияти ва хулқ-атворини ифодалашда намоён бўлган ўз

манфаатлари ва қобилиятлари билан фаолият услубларини бошқаради. Ушбу компетенциялар шахсий гигиена, шахсий тиббий хизмат, жинсий саводхонлик, ички экологик маданият қоидаларини ўз ичига олади. Бу шунингдек, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги асослари билан боғлиқ бўлган бир қатор хусусиятларни ҳам ўз ичига олади.

Компетентликка йўналтирилган ёндашув – таълим мазмунини ривожлантириш учун янги концептуал қўлланмалардан биридир.

Замонавий ўқитувчиларнинг фикрларига кўра, ҳаётини компетенцияларни эгаллаш инсонга, замонавий жамиятда сайр қилиш имкониятини беради, инсоннинг вақт талабларига тезда жавоб бериш қобилиятини шакллантиради.

“Компетенциявий ёндашув” атамаси бир кишининг асосий (калит, ядроси) ва субъект компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича ўқув жараёнининг марказини англатади. Ушбу жараённинг натижаси инсоннинг умумий компетенциясини шакллантириш, асосий компетенциялар мажмуаси, шахснинг интегратив тавсифномасидир. Бундай характерга эга бўлиш таълим жараёнида шаклланиши ва билим, кўникма, муносабатлар тажрибаси, фаолият тажрибасига эга бўлиши керак.

Таълим соҳасидаги компетенциявий ёндашув, шахсга йўналтирилган таълимнинг долзарб ёндашувлари билан боғлиқ, чунки у талаба шахсига тааллуқли ва муайян ҳаракатлар тўпламини бажарадиган муайян талаб жараёнида амалга оширилиши ва текширилиши мумкин.

Таълим соҳасидаги компетенциялар тизими қуйидагилардан иборат: асосий, яъни, метапредмет ва фанлараро компетентликдир. Бу, инсоннинг мураккаб кўп функционал фаолиятни амалга ошириш ва муаммоларни самарали ечиш қобилияти сифатида тавсифланади.

Компетенция – маълум бир соҳада самарали фаолият олиб бориш учун зарур бўлган мутахассиснинг таълимий тайёргарлигига қўйилган талабдир.

Компетентлик – инсон томонидан фаолият предметиға тегишли компетенцияларни эгалланганлигидир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз компетентликка ўз ишчи таърифимизни бериб ўтдик. Компетентлик – шахснинг бир-бири билан ўзаро боғлиқ хусусиятларини инсон томонидан жумладан, шахсий муносабати ва фаолият субъектини ўз ичига олиб эгалланишидир.

Ўқув-билиш компетентлиги касбий ва махсус компетенцияларни ривожлантириш самарадорлигини таъминлайди, бу унинг ривожланишини замонавий таълимнинг устувор вазифаси деб ҳисоблаш имконини беради.

Ўқув-билиш компетентлиги инсоннинг ҳар томонлама ва хилма-хил маданият оламини эгаллашини таъминлайдиган шахснинг компетенцияларининг маълум қисмида устувор ўринни эгаллайди.

Бизнингча, ўқув-билиш компетентлиги билимларни кенгайтиришга қаратилган асосий компетенция, билиш (когнитив) фаолияти усулларини эгаллаш, таълим фаолиятида муайян билим ва кўникмаларни шаклланиши, ижодий фикрлашни ривожлантириши ва ўқув фаолиятидаги мустақилликдир.

Шу сабабли биз бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-

билиш компетентлигини мустақил билиш фаолиятига тайёргарликда унга зарур бўлган назарий билимларни, амалий кўникма ва малакаларни шакллантирадиган махсус компетенцияларга эга бўлиш деб таъриф бердик.

Ўқув-билиш компетентликни такомиллаштириш мезонлари сифатида куйидаги кўникмаларга эга бўлиш деб ҳисобладик:

- мақсад қўйиш ва унинг имкониятларини ташкил этиш, ўз мақсадини тушунтириш кўникмаси;
- билиш вазифаларини шакллантириш ва фаразларни киритиш;
- ўзининг ўқув-билиш фаолиятини таҳлил қилиш;
- мустақил равишда билимлар олиш;
- ўз ўқув-билиш фаолиятида рефлексия (акс таъсир)ни амалга ошириш;
- ўзларининг ўқув-билиш фаолиятида ўзи-ўзига баҳо бериш;
- ўз тадқиқотларининг натижаларини оғзаки ва ёзма равишда тақдим этиш.

Ўқув-билиш компетенциялари юқори малакали мутахассисларни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди, чунки улар зарурат туғилса, мутахассислиги ва касбий фаолияти доирасини ўзгартириши мумкин бўлган таълим муассасалари битирувчиларининг касбий ҳаракатини таъминлайди. Шундай қилиб, ўқув-билиш компетенциялари – ижтимоий рақобатбардошлик омилидир. Ўқув-билиш фаолият турларини шакллантириш ва ривожлантириш ташқи бошқарувдан ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини ташкил қилишга ўтиш босқичида содир бўлади. Ўқув жараёнида талабаларнинг мустақил ижодий фаолият билан шуғулланиш қобилияти ортади ва ўқитувчининг билимларни узатиш эҳтиёжи кескин камаяди.

Ушбу муаммони ҳал этишнинг истикболли усулларида бири ижодий қобилиятларни ривожлантириш, ижодий қобилиятга ва ижодий-билиш фаоллигига йўналтирилган муаммоли-ишбилармон ва ролли ўйинлар ҳисобланади. Ўйинлар талабаларнинг билиш фаоллиги, танқидий ва аналитик фикрлаш қобилияти, оқилона ва масъулиятли муҳокамалар, мулоқот малакаларини ривожлантириш ва ўзларнинг позициясини ҳимоя қилиш кўникмасини рағбатлантиради.

Таълим жараёни давлат манфаатларини, жамият манфаатларини ва шахсий манфаатларини уйғунлаштиришга қодир шахсни ривожлантиришга, ижобий ижтимоийлашув, шахснинг ўзига хос хусусиятлари ва Ўзбекистон Республикасининг маданий анъаналарини ва умуминсоний қадриятларни ҳисобга олган ҳолда маънавий ривожланиши учун таълимнинг тарбияловчи функциясини амалга оширишга қаратилган.

Педагогиканинг муаммолари - таълим соҳасидаги жамият томонидан яратилган муаммолардир. Уларнинг баъзиларини санаб ўтаемиз:

- педагогик технология - моддий ишлаб чиқариш, техника соҳасидаги замонавий илғор ишланмалар, тенденциялар ва билимларни кузатиб бориш ва уларни касбий фаолиятга киритиш (масалан, техник фанларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш)га ўргатиш;
- ижтимоий жамиятда ўқитувчининг ўрнини, педагогик концепцияни ўзгартириш зарур; ўқитувчилик касби янада обрўли, ёшлар учун жозибали бўлиши керак.



Юқорида санаб ўтилган муаммолардан келиб чиқиб, таълим тизими нафақат таълим, балки тарбия ва ўзини ўзи бошқариш каби, чунки касб таълими муассасаси битирувчиси ижтимоий-иқтисодий шароитда профессионал кадрларни тезкор мослашишга, тайёрлашга ва қайта тайёрлашга имконияти бўлиши керак.

Олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий-методик жиҳатдан тайёрлаш негизида қуйидаги асосий тамойиллар мавжуд, булар:

бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий-методик жиҳатдан тайёрлашнинг инсонпарварлаштириш;

ҳозирги ахборот технологиялари ривожланган шароитда бўлажак касб таълими ўқитувчисининг ижодий шахсини шакллантириш ва ривожлантиришга тизимли, педагогик интеграция асосида касбий фаолият нуқтаи назаридан ва технологик жиҳатдан ёндашув;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларини аниқ далилларга асосланган билимлар билан бир қаторда методологик билимлар билан қуроллантириш;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш методик тизимининг таркиби ва мазмунини кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш.

Бўлажак муҳандис-педагогнинг касбий шаклланишига ёрдам берувчи муҳим педагогик шарт-шароитлар сирасида қуйидагилар қиради:

Моддий-техник шарт-шароитлар (ўқув бинолари, ўқув аудиториялари, ўқув устахоналари, амалий-лаборатория жиҳозлари), ахборот технологиялари (радио, телевидение, компьютер, нусха кўчириш қурилмалари, лаборатория асбоб-ускуналари, магнитофонлар (аудио, видео), тренажёрлар, видеопроектор, техник воситалар мажмуининг мавжудлиги ва ҳоказолар).

Ўқув-методик меъёрий ҳужжатлар (давлат таълим стандарти, намунавий ўқув режалари, ишчи ўқув режалари, намунавий ва ишчи ўқув дастурлари, дарсликлари, ўқув қўлланмалари, методик тавсияномалар, қўшимча махсус адабиётлар, кўрсатмали воситалар, дарс ишланмалари, лойиҳалар ва бошқалар).

Илмий педагогик ходимлар салоҳияти (профессор, доцент, ўқитувчи, малакали ўқув усталари, раҳбар ва техник ходимлар).

Ижтимоий ва ўқув-технологик муҳит (ўқитувчилар, талабалар, раҳбарлар ҳамда талабалар, шунингдек, талабаларнинг ўзаро муносабатлари мазмуни, йўналиши, мақсадлар бирлиги ва бошқалар).

Ташкилий ҳамда ўқув-амалий фаолиятнинг изчил, узлуксиз ҳамда тизимли йўлга қўйилганлиги.

Бўлажак касб таълими ўқитувчилари касбий шаклланиш жараёнининг самарали ташкил этилишида, шунингдек, таълим воситаларининг алоҳида ўрни мавжуд. Таниқли педагог олим А.Р.Ходжабоев таъкидлаганидек, "... олий ўқув юртлари, мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларининг таълим жараёнида қўлланилаётган дастгоҳлар, агрегатлар, асбоб-ускуналар, машина ва механизмлар нафақат ишлаб чиқариш воситалари сифатида, балки биринчи навбатда таълим воситалари саналади, талабалар улар ёрдамида касбий кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш

имкониятларига эга бўладилар” .

Математика ва табиий ҳамда гуманитар, ижтимоий-иқтисодий фанлар билан бир қаторда, техник билимлар негизида ҳам педагогик билимлар кўзга ташланади. Амалиётда фанлараро билимларнинг тизимланиши, лойиҳаланишига нисбатан технологик ёндашув етарли даражада қарор топмапти. Мазкур ҳолат маълум даражада муҳандислик педагогикаси методологиясига хос бўлган бир қатор муаммоларнинг ижобий ҳал этилмаганлиги билан изоҳланади.

Юқорида қайд этиб ўтилган фикрлар асосида педагогик ва техник билимларни интеграциялаш асослари хусусида сўз юритамиз. Билимларни интеграциялашнинг муҳим асоси сифатида дунёнинг моддий яхлитлиги, материя ва унинг ривожланиш қонунлари, хусусиятлари тан олинган умумий омил бўлиб қолди. Билимлардан фойдаланиш ва синтез қилиш асослари фанларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи методологик, гносеологик, онтологик ва ижтимоий асослардан иборат. Гуманитар, ижтимоий-иқтисодий ва математик-техник фанлар ўзаро боғлиқлигининг асоси, инсон онгида техникавий тараққиёт ҳамда жамият ўртасидаги объектив боғлиқликларнинг акс этиш жараёни ҳисобланади.

Шу билан бирга, билимларни интеграциялашда генетик асослари ҳам намоён бўлади. Ушбу ҳолат идрок этиш тизимларининг ўзаро боғлиқлиги, муносабатларнинг мавжуд тажрибаларига асосланиши билан боғлиқ. Мазкур ўринда педагогик билимларнинг шаклланиш тарихига назар ташлаш мақсадга мувофиқдир. Бўлажак касб таълими ўқитувчиси касбий шаклланиши жараёнининг моҳиятини ўрганишда қуйидаги ғояларнинг устуворлигини таъкидлаб ўтиш жоиз:

а) таълим ва тарбиянинг генетик, бошланғич асоси техника ва педагогика, шунингдек, техник ва педагогик билимлар ўртасидаги юзага келадиган муносабатлар ҳисобланади;

б) касб таълими ўқитувчисининг касбий шаклланиши генетик моҳиятини тушунтиришнинг энг самарали методологик воситаси таълим ва тарбиянинг келиб чиқишига нисбатан маданий-генетик ёндашув саналади .

Кишилиқ жамияти тараққиётининг маълум босқичида биологик эволюциянинг моҳияти ўзгариб, ижтимоий фаолият юзага кела бошлади. Муҳим ҳаётий фаолиятларнинг янги турлари пайдо бўла бошладик, оқибатда мавжуд билимларни биологик йўл билан авлодларга узатиш мумкин бўлмай қолди. Бу борада янги механизмга эга бўлиш эҳтиёжи туғилди. Мазкур эҳтиёж ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашни йўлга қўйиш асосида қондирила бошланди. Бироқ ижтимоий-генетик концепция шахс тарбияси хусусиятларини етарли даражада тушунтириб бера олмайди.

Шахснинг маданий-тарихий концепцияси моҳияти Н.Ф.Тализина томонидан илгари сурилган қуйидаги фикрда ўз ифодасини топган: “Замонавий (маданиятли) кишининг хулқи фақат болалиқ давридаги ривожланишнинг натижаси бўлиб қолмай, балки тарихий тараққиётнинг маҳсули ҳамдир. Тарихий жараёнида инсоният тараққиёти нафақат ижтимоий, шунингдек, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар жиҳатдан

ўзгариб ва ривожланиб қолмай, балки инсоннинг ўзи ҳам, унинг табиати ҳам ўзгаради ва ривожланади” .

Инсоннинг ўзгариши ва ривожланишининг бошланғич фундаментал ҳамда генетик асоси унинг қурооллар воситасида амалга ошириладиган меҳнат фаолияти бўлди. Инсон техникани қай тариқа яратига бўлса, ҳудди шу тариқа янги техника инсон тафаккурига ижобий таъсир этиб, уни замонавий инсон сифатида тарбиялайди ва шакллантиради.

Таълим ва тарбиянинг пайдо бўлиш муаммоларини таҳлил қилиш ҳамда уни идрок этишда, педагогик фаолиятининг юзага келишидаги бошланғич шарт-меҳнат қуроолларини тайёрлаш, шунингдек, фойдаланиш борасидаги фаолият ҳисобланади.

Айнан, ибтидоий меҳнат қуроли воситасида фаолият юритиш инсоннинг яшаши, шунингдек, шахс сифатида шаклланишида асосий ролни ўйнайди. Меҳнат қуролини тайёрлаш ва ундан фойдаланиш борасидаги кўникмаларнинг шаклланиши ҳамда унинг авлоддан-авлодга ўтиши ўзига хос таълим-тарбия тизимининг пайдо бўлишига туртки берди. Меҳнат қуролининг яратилиши, тайёрлаш ва қўллашга оид тажрибани келгуси авлодларга ўргатиш талабини кун тартибига қўйди. Ана шу талаб қондирилмаганида, биринчи меҳнат қуроли инсон томонидан яратилган энг биринчи ва сўнгги кашфиёт бўлиб қолар, унинг ўзи эса ҳеч қачон шахс сифатида шакллана олмас эди. Қадимги давр одами ҳаётий фаолиятни ташкил этишда, бир вақтнинг ўзида, муҳандис, ишчи, ўқитувчи ва ўқувчи вазибаларини бажаришга мажбур эди. Инсон меҳнат қилиш, яшаш шароитларини ташкил этиб, билимларни ўрганди ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Айни шу ўринда инсон томонидан меҳнат қуролини ишлаб чиқариш табиати ҳамда ушбу жараённинг педагогик хусусиятлари ўзаро боғлиқ эканлигини қайд этиш мумкин. Меҳнат қуроли воситасида меҳнатни ташкил этиш фақатгина таълим ва тарбия тизими юзага келишининг бошланғич шарт бўлиб қолмай, балки касбий-педагогик тайёргарлик тизимининг пайдо бўлиш шарт ҳам ҳисобланади. Шу билан бир вақтда, унинг бошланғич, генетик асоси техника ва педагогика ўртасидаги муносабатлар ҳисобланади. Ибтидоий цивилизация давридаёқ, техника ва педагогиканинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги йўналишда намоён бўлган: предметли-буюмли, технология ва техниканинг “буюм ва буюмлар тўплами” - деб қайд этилиши бугунги кунда унинг педагогик восита ролини бажариб, таълимий-тарбиявий мақсадларни амалга ошириш йўлида қўллаш имконини бермоқда.

Муҳандислик ва педагогик фаолиятлар ўртасидаги ўзаро алоқалар технологик ёндашувнинг қарор топишига туртки беради. Технология – хом ашё, материалларга ишлов бериш, ярим тайёр маҳсулотни тайёрлаш, унга ишлов бериш, шунингдек, уларнинг ҳолати, шакли ва хусусиятларини ўзгартиришга хизмат қилувчи методлар тўпламидир.

Оддий ишлаб чиқариш технологиялари қадимги даврлардаёқ, мавжуд бўлиб, педагогик фаолият мазмунида ўз инъикосини топа олган. Технологик билим, кўникма ва малакалар ёш авлодга биогенетик йўл

билан узатилмаганлиги сабабли инсон уни зарур ўргатиш-ўқитишга йўналтирилган жараёндагина ўзлаштирган.

Инсон фаолиятининг табиатига кўра педагогик фаолият унинг таркибий асоси, шунингдек, технологик тизимнинг муҳим элементи бўлиб келган. Педагогик ва ишлаб чиқариш фаолиятининг генетик жиҳатдан боғлиқлигини инобатга олган ҳолда қуйидаги фикрни баён этиш мумкин: педагогик технология ўзининг тараққиёти жараёнида ҳеч қачон ишлаб чиқариш технологияси (ўз навбатида ишлаб чиқариш технологияси педагогик технология) дан ажралмаган. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси барча даврларда ишчининг маҳорати даражаси билан белгиланган, бу эса ўз навбатида, унинг таълим олишига боғлиқ бўлган.

Педагогик туркумидаги фанлари ва умуммуҳандислик фанлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ишлаб чиқариш йўналиши махсус технологиясининг санъат, маҳорат ва зукколик тарзида талқин этилиши билан боғлиқ. Мазкур ғояга бугунги кунда ҳам амал қилиб келинмоқда.

Хулоса. Юқорида таъкидлаб ўтилганларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, касб-ҳунар таълими тизимини модернизациялаш мамлакатнинг инновацион ривожланиш йўлларига ўтиш, Ўзбекистон таълим тизими жаҳон таълим хизматлари бозорида позициясини мустаҳкамлаш, касбий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлаш сифатини оширишда янги ёндашувларни излаш, узлуксиз таълим тизимини яратиш зарурлиги билан боғлиқ.

Янги турдаги цивилизацияга, мутахассисларнинг интеллектуал салоҳиятига юқори талабларни қўядиган ахборот жамиятига ўтиш таълим тизимида, унинг технологиялари ва таълим услубларини ўзгартиришга, хусусан, таълим муаммоларини ҳал қилишда фаолиятли ёндашувга йўналтирилган. Шундай қилиб, инновацион муҳандислик таълимининг ривожланиши бўлажак бўлажак касб таълими ўқитувчиларига нафақат техника ва технологиялар соҳасидаги аниқ билим ва қўникмаларни эгаллаш, балки уларни амалда қўллаш қобилиятига қаратилган касбий компетенцияларини шакллантириш имконини беради. Бўлажак касб таълими ўқитувчилари муҳандислик-технологик фанларини ўқитиш жараёнида педагогик фаолиятга илмий ва ижодий муносабатни шакллантириш, касбий компетенциялар асосида муҳандислик-технологик фикрлашни шакллантириш муҳимдир.

Компетентлик (айниқса, касбий) педагогик ва методологик ёндашувлар асосида шакллантирилади. Улар анъанавий “таълим” жараёнида предмет-мазмунли (жиддий) даражада ҳосил бўлиши мумкин эмас. Уларнинг “қурилиши” яхлит (умумлаштирилган) таълим жараёнига тизимли интеграциялаш орқали амалга оширилади. Бундай ҳолда қуйидаги усуллар қўлланилади: лойиҳалаш; ижодий-муаммоли; юқори даражадаги ижтимоий таъсир ўтказиш йўли билан қайтар алоқа (ташқи дунё билан ўзаро муносабатлар); ролли моделларини тадқиқ қилиш; ғоялар, вазиятли масалалар ва бошқалар тақдимоти.

Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида компетенцияларни шакллантириш нафақат анъаналар билан, балки янги таълим

технологияларини жорий этиш билан бирга, янги фаолиятни самарали амалга оширишни эмас, балки уни лойиҳалаштиришни таъминлайдиган инновацион шакллар, усул ва воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2003. – 174 б.

3. Батышев, С.Я. Профессиональная педагогика: учебник для студентов, обучающихся по педагогическим специальностям и направлениям. /под ред. С.Я. Батышева, А.М. Новикова. Издание 3-е, переработанное. М.: Изво ЭГВЕС, 2009. 455 с.

4. Даминов М.И. Физика таълимида модулли ўқитиш технологияси. Услубий қўлланма. – Бухоро, 2006. – 56 б.

5. Зеер Э.Ф. Психология профессионального образования / Э. Ф. Зеер. – М.: Издательство Московского психолого-социального института; Воронеж: Издательство НПО «МОДЕК», 2003. – 480 с.

6. Йўлдошев Ф.Ш., Усмонова С.А. Педагогик технология асослари. Т.: Ўқитувчи, 2004. 98 б.

7. Кубрушко, П.Ф. Актуальные проблемы теории содержания профессионально-педагогического образования [Текст]: дис. д-ра пед. наук: 13.00.08: Москва, 2002.

8. Муслимов Н.А. Кулиева Ш.Ҳ. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнига тизимли ёндашувни амалга оширишга муаммоли вазиятлар. – Т.: Фан ва технологиялар, 2007. – 54 б.

9. Муслимов Н.А., Усмонбоева М., Мирсолиева М. “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т.: -2016. – 147 б.

10. Муслимов Н.А. Педагогик фаолиятга тизимли ёндашув муаммолари // Касб-хунар таълими. – 2004. - № 6. – Б.24.

11. Рахимов З.Т. Таълим жараёнида талабалар ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш. “Замонавий таълим” журнали 2020 йил № 6-сон, 3-10-б.

12. Талызина, Н.Ф. Управление процессом усвоения знаний. Психологические основы /Н.Ф. Талызина. - М.: МГУ, 1984. - 344 с.

13. Хуторской, А.В. Ключевые компетенции как компонент личностно-ориентированной парадигмы [Текст] / А.В. Хуторской // Народное образование. – 2003. – № 2. – С. 58-64.

14. Ходжабоев А.Р. Учебно-методический комплекс подготовки трудового обучения – Т.: Ўқитувчи, 1989. – 91 с.